

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИ
АЖРАТИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жой қурилиши соҳасига кенг жалб этиш бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислохотларнинг қўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон **Фармони**га асосан жорий этилган бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби (кейинги ўринларда — янги тартиб) доирасида:

кўп квартирали уй-жойлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг кишлоқ жойларида (шаҳарларга ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда) қурилади;

Молия вазирлиги тижорат банкларига пул маблағларини ҳамда тижорат банклари аҳолига ипотека кредитларини 6 ойлик имтиёзли давр (мижознинг хоҳишига кўра) билан 20 йил (йигирманчи йилни ҳам қўшган ҳолда) муддатга ажратади;

Олдинги таҳрирга қаранг.

ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал сотиб олинadиган квартира қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Бунда, мазкур Фармон қабул қилингунига қадар субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларни олган шахсларга ипотека кредитлари ва субсидиялар 2020 йилда амалда бўлган шартлар ва миқдорларда ажратилади;

*(1-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли **Фармони** таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)*

Олдинги таҳрирга қаранг.

ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия миқдори ҳар йили Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб белгиланади ва ҳар олти ойда қайта кўриб чиқилади;

*(1-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли **Фармони** таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)*

Олдинги таҳрирга қаранг.

сотиб олинadиган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъий назар ипотека кредити бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорда, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар кредит муддатининг биринчи беш йили давомида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади;

*(1-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли **Фармони** таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)*

Олдинги таҳрирга қаранг.

ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бунда, сотиб олинadиган квартиранинг нархи

ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчиликда белгиланган бошқа маблағлар ҳисобидан дастлабки бадал суммасини ошириш орқали тўланади;

(1-банднинг еттинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

қарз олувчиларга уларнинг хоҳишига кўра ипотека кредити бўйича тўловларни аннуитет ёки дифференциал усулида амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2021 йилда янги тартиб доирасида ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

2021 йилда янги тартиб доирасида ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли параметрлари **2-иловага** мувофиқ;

2021 йил учун уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати, бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредити ва дастлабки бадалнинг бир қисми учун Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидияларнинг энг кўп миқдори **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Белгилансинки, 2022 йил 1 январга қадар қурилиши якунланиб, фойдаланишга тайёр ҳолда топширилган квартираларни сотиб олиш учун ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг майдони ва нархи мазкур Фармоннинг **3-илосида** келтирилган квартира майдонининг энг кўп меъёри ва уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошган тақдирда ҳам тўланади.

(2-банднинг бешинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

Бунда, сотиб олинadиган квартиранинг нархи уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошиб кетган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПФ-6274-сонли Фармонида асосан бешинчи ва олтинчи хатбоишлар билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.08.2021 й., 06/21/6274/0766-сон)

3. Қурилиш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йилда:

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларда 8 336 та квартирадан иборат бўлган кўп қаватли арзон уй-жойлар қурилишини **4-иловага** мувофиқ;

Олдинги таҳрирга қаранг.

Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобига «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларда қўшимча кўп қаватли арзон уй-жойлар қурилишини **4¹-иловага** мувофиқ;

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПФ-6274-сонли Фармонида асосан учинчи хатбоиш билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.08.2021 й., 06/21/6274/0766-сон)

«Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 3 550 та квартирадан иборат бўлган кўп қаватли уй-жойлар қурилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

мазкур Фармоннинг **4-илосида** кўрсатилган уй-жойлар қурилиши — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларда арзон уй-жойларни қуриш

дастурининг 2020 йилдаги талабларига мувофиқ Осиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан;

мазкур Фармоннинг 3-банди **учинчи хатбошисида** кўрсатилган уй-жойлар қурилиши — «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида шаҳарларда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун кўп квартирали уй-жойларни қуриш дастури талабларига мувофиқ Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2021 йилда «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун кўп квартирали уй-жойлар қуришнинг асосий параметрларини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон **қарорига** мувофиқ Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий этилган жисмоний шахсларга якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитларни ажратиш тартиби барча ҳудудларда жорий этилсин.

Бунда:

кредитлар Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда 500 та, жами 6 500 та якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) учун ажратилади;

кредитлар ипотека кредитининг энг кўп миқдорларидан ошмайдиган ва дастлабки бадали якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) ишлари қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил (ийгирманчи йилни ҳам қўшган ҳолда) муддатга ажратилади;

кредитлар қурилиш материалларини сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) ишларини амалга ошириш бўйича харажатларни қоплашга берилади. Бунда, қурилиш ишлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қарз олувчининг ўз кучи билан, хусусий пудрат ташкилотларини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда амалга оширилиши мумкин;

кредитлар бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларга тегишли бўлган якка тартибдаги уй-жой гарови ёки бошқа таъминот турлари тақдим этилади;

агар қарз олувчи томонидан кредит олиш вақтида бошқа таъминот тури тақдим этилган бўлса, якка тартибдаги уй-жой қурилиши (реконструкция қилиниши) якунланиб кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг, кредит бўйича таъминот ушбу уй-жойнинг ипотекасига алмаштирилади;

даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга якка тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки беш йил мобайнида фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктдан ошган қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади;

субсидиялар қурилган (реконструкция қилинган) якка тартибдаги уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган ойнинг кейинги ойидан бошлаб тўланади.

7. 2021 йил 1 июндан бошлаб ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинсин, унга мувофиқ:

фуқаролар томонидан субсидия олиш учун аризалар йил давомида топширилиши мумкин;

субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчининг даромадларига у билан бирга яшамаётган яқин қариндошларининг даромадлари ҳам киритилиши мумкин;

субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчидан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали олиш мумкин бўлган ҳужжатларни (маълумотларни) талаб қилиш ман этилади;

уй-жой сотиб олиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарнома улар берилган вақтдан бошлаб 12 ой давомида амал қилади.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар:

субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш ҳамда субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларни бериш жараёнларининг муддатини етти кунгача қисқартириш ва тўлиқ автоматлаштириш, мазкур ишларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш;

даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларнинг ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизгача субсидиялар тўлашнинг табақалаштирилган тартибини жорий этиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Курилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар, шу жумладан хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун уй-жойларни сотиб олиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Давлат бюджет параметрларида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан **5-иловага** мувофиқ 1 000 та квартира сотиб олинади;

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар, шу жумладан хотин-қизлар сотиб олинган уй-жойларга давлат уй-жой фондидаги турар жойларни ижарага бериш тартибига мувофиқ жойлаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мазкур Фармоннинг **5-илосида** тегишли ҳудуд учун белгиланган квартиралар сонини ошириш ҳуқуқи берилади.

10. 2021 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга ижара харажатларининг бир қисmini қоплаш учун маҳаллий бюджет маблағларидан олти ой давомида ойлик ижара тўловининг 50 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг икки ярим бараваридан ошмаган ҳолда ойлик пул компенсациясини тўлаш тартиби жорий қилинсин.

Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2021 йил 31 декабрга қадар тажриба натижаларидан келиб чиқиб ижара харажатларининг бир қисmini қоплаш учун пул компенсациясини тўлаш тартибини бошқа ҳудудларда татбиқ этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ижтимоий ҳамкорликни янада кучайтириш, компенсация, субсидиялар ва давлат томонидан тақдим этиладиган бошқа имтиёزلарни адолатли тақсимлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳудудларда сенаторлар, депутатлар ва жамоат фаоллари иштирокида «Халқпарвар» комиссияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

«Халқпарвар» комиссияларига маҳаллий ҳокимликлар ҳамда масъул давлат идораларнинг уй-жойлар куриш учун ер участкаларини ажратиш, курилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар рўйхатини шакллантириш фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чораларни амалга ошириш тавсия этилсин.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш. Хидоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари Э. Арипов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Садиқов «Халқпарвар» комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда халқ депутатлари Кенгашларига амалий ёрдам кўрсатсин.

12. Қуйидагилар 2021 йил 1 майга қадар:

а) Молия вазирлиги аҳолига қулай шаклда қуйидаги маълумотларни тақдим этувчи ипотека бозори веб-порталини ишга туширсин:

ипотека кредитларини бериш ва субсидиялар тўлаш тартиби;

уй-жойлар қурилишини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари, улар томонидан қурилаётган кўп квартирали уй-жойлар, улардаги квартиралар сони, майдони, қиймати ва жойлашуви;

кредит олиш мумкин бўлган тижорат банклари ва улар томонидан бериладиган кредитларнинг шартлари;

б) Қурилиш вазирлиги уй-жойлар қурилишини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари ва лойиҳавий техник кўрсаткичларни (уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурлари, кўп квартирали уй-жойлар қурилиши нархи, сони, жойлашуви ва бошқалар) ўз ичига олган электрон маълумотлар базасининг ишга туширилишини ҳамда ипотека бозори веб-портали билан интеграциялашувини таъминласин;

в) Марказий банк қонун билан ҳимояланган маълумотлар махфийлигини таъминлаган ҳолда, қарз олувчилар, ипотека кредитларининг сони, тури, ҳажми, гаровга қўйилган мулкнинг нархи, кредитлар қиймати, кредит қарзлари тўланмаганлиги тўғрисидаги консолидациялашган маълумотларни Молия вазирлигига ипотека бозори веб-порталида жойлаштириш учун идоралараро электрон ахборот алмашинуви орқали доимий равишда тақдим этиб борсин.

13. Молия вазирлигига:

«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖ билан қайта молиялаштириш битимини имзолаган тижорат банкларига кейинчалик Осиё тараққиёт банки томонидан белгиланган мувофиқлик мезон ва талаблари асосида аҳолига ипотека кредитларини бериш учун 2021 йилда 13 ой муддатга бозор (фоиз) ставкасида маблағлар ажратиш;

вақтинча бўш турган манбалар ҳисобидан «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖга қисқа муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасида маблағлар ажратиш ҳуқуқи берилсин.

14. Уй-жойлар нархини арзонлаштириш мақсадида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ янги тартиб доирасида:

Олдинги таҳрирга қаранг.

а) кўп квартирали уй-жойлар қишлоқ жойларда 5 ва ундан юқори қаватли, шаҳарларда 7 ва ундан юқори қаватли, монолит темир-бетон ва йирик панелли конструкциялар ҳамда бошқа қурилиш материаллари асосида, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ иккинчи даражадан паст бўлмаган иссиқлик ҳимояси билан таъминланган ҳолда массив шаклида қурилади;

(14-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

б) ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш ва массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш:

шаҳарларда — кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини «E-IJRO AUKSION»да электрон аукцион орқали сотишдан тушган маблағлар, зарур ҳолларда маҳаллий бюджет ёки бошқа маблағлар ҳисобидан;

қишлоқ жойларда — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун ташқи муҳандислик- коммуникация тармоқларига улашни ҳамда геологик жиҳатдан энг мақбул вариантларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларнинг қуриш лойиҳаларига мувофиқ бўлган яхлит массив шаклидаги ер участкалари танланади;

Олдинги таҳрирга қаранг.

(14-банднинг «г» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонига асосан 2021 йил 1 августдан чиқарилади — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

(14-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонига асосан 2021 йил 1 августдан чиқарилади — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

е) 2023 йил 1 январга қадар:

«Янги Ўзбекистон» массивларида, шунингдек, олдинги йилларда барпо этилган массивларда ва уларнинг бўш турган ер участкаларида уй-жой курувчи ташкилотлар учун цемент ҳамда металл прокатини сотиш бўйича алоҳида биржа савдо секцияси жорий қилинади;

(14-банднинг «е» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

ж) цемент маҳсулотини (ТИФ ТН коди 2523) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси қўлланилади.

(14-банднинг «ж» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

15. Белгилансинки, янги тартибга мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар қурилишида:

«СС» ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари қатнашиш ҳукукига эга;

ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш ҳамда массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари ва тегишли фойдаланувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

ички муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш — тадбиркорлик субъекти томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва мазкур харажатлар уй-жойнинг нархига киритилади;

қурилаётган уй-жойларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари — маҳаллий бюджет ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бажарилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари томонидан қурилиш ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида кўп квартирали уй-жойлар қурилиши бўйича инжиниринг хизматлари, шу жумладан техник назорат амалга оширилади.

16. Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 апрелга қадар 2021 йилда кўп квартирали уй-жойлар қуриладиган ер участкаларининг манзилли рўйхатини тасдиқласин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2021 йил 1 апрелга қадар:

Олдинги таҳрирга қаранг.

(17-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли Фармонига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун ер участкаларини «E-IRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасидаги электрон аукционга қўйилишини таъминласин.

18. 2021 йил 15 мартдан бошлаб тижорат банкларига ўз ресурслари ҳисобидан улушдор-жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитларини Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан қайта молиялаштиришга рухсат этилсин.

Бунда, улушдор-жисмоний шахсларнинг ипотека кредитлари улуш киритиш асосида қурилган кўп қаватли уй-жойлардаги квартиралар давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг мазкур Фармоннинг 3-илоvasида белгиланган ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошмаган миқдорда қайта молиялаштирилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарори билан жорий этилган хусусий пудрат ташкилотларининг тижорат банкларидан олинган кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафиллик ва компенсация тўлаш тартиби 2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин.

(19-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

20. Қурилиш вазирлиги:

2021 йил 1 майга қадар шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ яқка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда лойиҳа институтларининг ҳудудлардаги филиалларини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларни амалга оширсин.

21. Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ҳафта муддатда импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош, сифатли ва ҳудудларда маҳаллийлаштирилган қурилиш материалларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда уларнинг қиймати кескин ўсишига йўл қўймаслик орқали уй-жойлар нархини мақбуллаштириш ҳамда қурувчи ташкилотларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча таклифларни;

б) 2021 йил 1 июнга қадар:

фуқароларга уларнинг давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келишидан қатъи назар жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал ёки асосий қарзни қоплашга йўналтириш ҳуқуқини бериш;

тадбиркорлик субъектлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ўртасида тузилган шартномалар асосида кўп квартирали уй-жойларни қуриш амалиётини жорий этиш;

ижобий халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда «мақсадли ипотека омонати» механизмининг жорий қилиш юзасидан асосланган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

22. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бир ой муддатда кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг фаолиятини рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва «Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда алоҳида биржа савдо секциясида уй-жой қурувчи ташкилотларга цемент ҳамда металл прокатини сотиш тартибини ишлаб чиқсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари мазкур Фармоннинг мазмун, моҳияти ва натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритилишини таъминласин.

26. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров, молия вазири Т.А. Ишметов ва қурилиш вазири Б.И. Закиров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 март,
ПФ-6186-сон

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон **Фармони**га
1-ИЛОВА

2021 йилда янги тартиб доирасида ипотека кредитлари ажратишнинг

МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ*

Т/р	Ҳудудлар номи	квартиралар ва якка тартибдаги уй- жойларнинг умумий сони	шундан:			Харажатларнинг хисобланган қиймати	ш
			шаҳарларда	қишлоқ жойларда	якка тартибдаги уй-жойлар		қуйида
Республика бўйича жами		35 120	18 804	9 816	6 500	10 548,9	1 582,3
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1 280	400	380	500	349,7	52,4
2.	Андижон вилояти	3 200	1 200	1 500	500	893,5	134,0
3.	Бухоро вилояти	2 330	1 050	780	500	638,0	95,7
4.	Жиззах вилояти	1 180	300	380	500	315,7	47,4
5.	Қашқадарё вилояти	2 400	1 200	700	500	699,1	104,9
6.	Навоий вилояти	1 380	500	380	500	383,6	57,5
7.	Наманган вилояти	2 400	900	1 000	500	670,1	100,5
8.	Самарқанд вилояти	3 100	1 644	956	500	912,0	136,8

9.	Сурхондарё вилояти	2 900	1 600	800	500	859,2	128,9
10.	Сирдарё вилояти	970	210	260	500	256,0	38,4
11.	Тошкент вилояти	2 700	1 300	900	500	781,6	117,2
12.	Фарғона вилояти	2 400	1 000	900	500	679,8	102,0
13.	Хоразм вилояти	1 880	500	880	500	505,1	75,8
14.	Тошкент шаҳри	7 000	7 000			2 605,5	390,8

* 2021 йилда янги тартиб доирасида ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли параметрларига зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги таклифлари асосида тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПФ-6274-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.08.2021 й., 06/21/6274/0766-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

2021 йилда янги тартиб доирасида ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг

МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ*

Т/р	Худудлар номи	Жами тўланадиган субсидиялар		шу жумладан:						
				шаҳарларда ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидиялар	шундан:		қишлоқ жойларда ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидиялар			
					дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммаси	фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммаси				
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
	Республика бўйича жами	33 726	1 389,8	18 068	895,4	634,8	260,5	11 758	430,0	2 959,8
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1 020	36,8	320	16,6	10,9	5,7	400	15,2	10,9
2.	Андижон вилояти	3 410	138,0	1 410	69,9	47,9	22,0	1 700	63,2	47,9
3.	Бухоро вилояти	2 590	108,7	1 310	68,4	44,5	23,9	980	35,3	44,5
4.	Жиззах вилояти	1 400	47,3	520	22,5	17,7	4,8	580	19,8	17,7
5.	Қашқадарё вилояти	2 210	90,5	1 210	58,4	41,1	17,4	700	27,1	41,1
6.	Навоий вилояти	1 280	45,7	420	21,4	14,3	7,2	560	19,3	14,3

7.	Наманган вилояти	2 630	102,7	1 330	58,9	45,2	13,8	1 000	38,8	
8.	Самарқанд вилояти	3 236	131,7	1 780	84,6	60,4	24,2	1 156	42,2	
9.	Сурхондарё вилояти	2 560	115,7	1 318	76,1	44,8	31,3	942	34,6	
10.	Сирдарё вилояти	780	25,1	180	9,0	6,1	2,9	300	11,1	
11.	Тошкент вилояти	2 340	94,2	870	47,5	29,5	18,0	1 170	41,8	
12.	Фарғона вилояти	2 790	106,4	1 300	59,1	44,1	15,0	1 190	42,3	
13.	Хоразм вилояти	1 980	72,0	600	27,9	20,4	7,5	1080	39,2	
14.	Тошкент шаҳри	5 500	275,1	5 500	275,1	208,1	67,0			

* 2021 йилда янги тартиб доирасида ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлашнинг мақсадли параметрларига зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таклифлари асосида тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

2021 йил учун уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати, бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредити ва ипотека кредити бўйича дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидияларнинг энг кўп миқдори*

миңг сўм

Т/р	Худуд	Квартира майдонининг энг кўп меъёри (кв. м)	Уй-жойнинг ҳисобланган қиймати	Ипотека кредитининг энг кўп миқдори		Дастлабки бадалнинг энг кам миқдори		Дастлабки бадал учун субсидиянинг энг кўп миқдори**	
				фоиз	қиймати	фоиз	қиймати	фоиз	қиймати
1.	Қишлоқ жойларда	70	315 000	85%	267 750	15%	47 250	10%	31 500
2.	Шаҳарларда	70	364 000	85%	309 400	15%	54 600	10%	36 400
3.	Тошкент шаҳрида	70	399 000	85%	339 150	15%	59 850	10%	39 900

* 2021 йил учун уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати, бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредити ва дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун ажратиладиган субсидияларнинг энг кўп миқдорига, зарур ҳолларда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

** Сотиб олинadиган уй-жойнинг шартномадаги қиймати уй-жой ҳисобланган қийматидан кам бўлган тақдирда, дастлабки бадалнинг бир қисmini учун субсидиялар шартномада кўрсатилган қийматнинг 10 фоизи миқдорида ажратилади.

(3-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПФ-6274-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.08.2021 й., 06/21/6274/0766-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

2021 йилда «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларда кўп қаватли арзон уй-жойлар қуришнинг АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ*

Т/р	Худудлар номи	Кўп квартирали уй-жойлардаги квартираларнинг умумий сони			Харажатларнинг ҳисобланган қиймати	шу жумладан қу	
		Жами	шу жумладан:			дастлабки бадал	халқаро мол институтлари қарз маблағл
			ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан	ИТБ қарз маблағлари ҳисобидан			
Республика бўйича жами		8 336	7 100	1 236	1 590,5	159,1	1 431,5
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	700	700		133,6	13,4	120,2
2.	Андижон вилояти	300		300	57,2	5,7	51,5
3.	Бухоро вилояти	900	500	400	171,7	17,2	154,5
4.	Жиззах вилояти	120		120	22,9	2,3	20,6
5.	Қашқадарё вилояти	900	900		171,7	17,2	154,5
6.	Навоий вилояти	160		160	30,5	3,1	27,5
7.	Наманган вилояти	860	760	100	164,1	16,4	147,7
8.	Самарқанд вилояти	900	900		171,7	17,2	154,5
9.	Сурхондарё вилояти	840	840		160,3	16,0	144,2
10.	Сирдарё вилояти	156		156	29,8	3,0	26,8
11.	Тошкент вилояти	800	800		152,6	15,3	137,4
12.	Фарғона вилояти	860	860		164,1	16,4	147,7
13.	Хоразм вилояти	840	840		160,3	16,0	144,2

* 2021 йилда «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларда кўп квартирали арзон уй-жойлар қуришнинг асосий параметрларига зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тақлифлари асосида тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармониغا 4¹-ИЛОВА

Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобига «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларда қўшимча кўп қаватли арзон уй-жойлар қуришнинг МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ*

млрд сўм

Г/р	Худудлар номи	Квартиралар сони	шу жумладан, қуйидагилар ҳисобидан:
-----	---------------	------------------	-------------------------------------

			Харажатларнинг хисобланган қиймати	Дастлабки бадал	Осиё тараққиёт банкнинг қарз маблағлари
Жами:		2 900	580,2	58,1	522,1
1.	Бухоро вилояти	280	50,4	5,0	45,4
2.	Қашқадарё вилояти	540	97,2	9,7	87,5
3.	Наманган вилояти	640	140,8	14,1	126,7
4.	Самарқанд вилояти	300	54,0	5,4	48,6
5.	Сурхондарё вилояти	300	54,0	5,4	48,6
6.	Тошкент вилояти	840	183,8	18,5	165,3

** Қишлоқ жойларда қўшимча қўп қаватли арзон уй-жойлар қуришнинг мақсадли параметрларига зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги таклифлари асосида тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

(4'-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПФ-6274-сонли Фармони асосан киритилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.08.2021 й., 06/21/6274/0766-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармонида
5-ИЛОВА

2021 йилда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар, шу жумладан хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун уй-жойларни сотиб олиш

ПАРАМЕТРЛАРИ*

Т/р	Худудлар номи	Сотиб олинadиган квартираларнинг умумий сони
Республика бўйича жами		1 000
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	66
2.	Андижон вилояти	54
3.	Бухоро вилояти	45
4.	Жиззах вилояти	83
5.	Қашқадарё вилояти	81
6.	Навоий вилояти	82
7.	Наманган вилояти	50
8.	Самарқанд вилояти	87
9.	Сурхондарё вилояти	81
10.	Сирдарё вилояти	57
11.	Тошкент вилояти	95
12.	Фарғона вилояти	84
13.	Хоразм вилояти	40
14.	Тошкент шаҳри	95

** 2021 йилда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар, шу жумладан хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун уй-жойларни сотиб олиш параметрларига, зарур ҳолларда Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таклифлари асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

(5-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПФ-24-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.11.2021 й., 06/21/24/1085-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармонида
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4459-сон Фармонининг 2-бандидан «имтиёзли шартлар асосида» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг рус тилидаги матни 43-позициясидан «льготных» сўзи чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5482-сон Фармонининг 9-банди «б» кичик бандидан «имтиёзли» сўзи чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5715-сон Фармонида:

а) 12-бандда:

биринчи хатбошисидаги «Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси» сўзлари «Ипотека кредити бозорини молиялаштириш ва ривожлантириш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «Бошқарманинг» сўзи «Департаментнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошиси «ҳамкорликда» сўзидан кейин «ипотека» сўзи билан тўлдирилсин;

б) 1-илованинг 13-позицияси «Тадбир номи» устунидаги «Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси» сўзлари «Ипотека кредити бозорини молиялаштириш ва ривожлантириш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошисидаги «15 йил» сўзлари «20 йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «кам таъминланган» сўзлари «даромади юқори бўлмаган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ жойларда — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларига ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда;»;

в) 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, янги тартиб доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари бирламчи уй-жой бозорида сотиладиган квартираларни (шу жумладан, янги тартиб доирасидан ташқари қурилган ва бирламчи уй-жой бозорида сотиладиган квартираларни) сотиб олиш учун шаҳарларда ва қишлоқ жойларда уй-жой ҳисобланган қийматининг 85 фоизидан ошмайдиган миқдорда 20 йил муддатга ва дастлабки бадали сотиб олинадиган квартира қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда берилади.

Бунда:

уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати ҳар йили Молия вазирлиги томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда квартира хоналари сонидан қатъи назар унинг бир квадрат метрининг

тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда майдонининг энг кўп меъёридан келиб чиқиб белгиланади;

сотиб олинadиган квартиранинг қиймати уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошиб кетган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоизлар мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади».

г) 6-банднинг **иккинчи хатбошиси** «жойларда —» сўзларидан кейин «дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

д) 8-банднинг **тўртинчи — олтинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

е) 11-банд **учинчи хатбошисидаги** «дастурлари) муддатлари тугагунига қадар ушбу дастурларни сақлаб қолиш» сўзлари «дастурлари)ни 2020-2021 йилларда ҳам амалга ошириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) **20-бандда:**

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига — субсидиялар тўланадиган шахсларни танлаб олишда шаффофлик ва ошкораликни, жумладан мазкур жараёнга талабгорларнинг ўзларини, кенг жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этиш орқали таъминлаш юзасидан;»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига — ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағларни ўз вақтида ажратиш ва бошқа молиявий ресурсларни жалб қилиш юзасидан»;

з) **3 — 5-иловалар** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармонининг 1-банди **«з» кичик бандида:**

иккинчи хатбошисидаги «шаҳарларни» сўзи «республика ҳудудларида уй-жой қурилиш бозори ва шаҳарларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларга ипотека кредити бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилишини мувофиқлаштириш;».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5996-сон Фармонининг **6-банди** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639-сон қарори 7-иловасининг рус тилидаги **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ПРИЛОЖЕНИЕ № 7

к постановлению Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 г. № ПП-2639

ПЕРЕЧЕНЬ

пиломатериалов и кровельных металлических листов, не производимых в республике, ввозимых АО «Узсаноатэкспорт» в рамках Программы с освобождением сроком до 1

**января 2020 года от таможенных платежей (за исключением таможенных сборов) и
налога на добавленную стоимость при их реализации ООО «ИК «Кишлок курилиш
инвест»»**

№	Наименование товара	Код товара по ТН ВЭД	Ед. изм. товара	Средняя потребность для 1 дома	Всего потребность*	в том числе*		
						2017 г.	2018 г.	2019 г.
1.	Сталь рулонная оцинкованная с полимерным покрытием и защитной краской для изготовления металлочерепицы толщиной 0,5 мм, красно-бордовая (RAL 3005)	7210 70 800 0 7212 40 800 0	тн.	1,1	42 900,0	14 300,0	14 300,0	14 300,0
2.	Обрезной пиломатериал (хвойных пород)	4407 10 930 0 4407 10 980 0	м. куб	7,8	304 200,0	101 400,0	101 400,0	101 400,0

** Окончательная потребность подлежит уточнению по результатам разработки проектно-сметной документации жилых домов».*

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сон қарорининг 1-иловаси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2017 — 2020 йилларга мўлжалланган арзон кўп квартирали уйларни қуриш
дастурининг**

АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ*

Т/р	Худуд нои	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил
		уйлар сони	квартиралар сони	уйлар сони	квартиралар сони	уйлар сони	квартиралар сони	квартиралар сони
	ЖАМИ:	191	7 919	335	13 917	355	14 757	4 256
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	7	315	10	450	10	450	244
2.	Андижон вилояти	7	294	14	588	14	588	268
3.	Бухоро вилояти	6	252	10	420	10	420	216
4.	Жиззах вилояти	5	210	15	645	15	645	236
5.	Қашқадарё вилояти	7	315	14	630	14	630	240
6.	Навоий вилояти	5	210	8	336	8	336	210
7.	Наманган вилояти	8	336	14	588	14	588	108

8.	Самарқанд вилояти	9	405	16	720	16	720	240
9.	Сирдарё вилояти	5	225	10	450	10	450	210
10.	Сурхондарё вилояти	5	210	10	420	10	420	492
11.	Тошкент вилояти	15	624	40	1 680	40	1 680	182
12.	Фарғона вилояти	5	210	14	600	14	600	328
13.	Хоразм вилояти	5	225	10	450	10	450	300
14.	Тошкент шаҳри	102	4 088	150	5 940	170	6 780	982

* Кўп қаватли уйларнинг параметрларига тегишли шаҳарларнинг бош режаларини келишида аниқлик киритилади».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3022-сон қарорининг 7-банди **тўртинчи хатбошисидан** «имтиёзли» сўзи чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон қарорининг **6-бандида** «имтиёзли ипотека кредитини 25 йил» сўзлари «ипотека кредитини 20 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3178-сон қарорининг **6-бандидан** «имтиёзли» сўзи чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3218-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техника базасини шакллантириш, ўқув ва илмий-педагогик таъминлаш чора-тадбирлари **дастурининг** 13-позициясининг «Тадбирлар мазмуни» устунидан «имтиёзли» сўзи чиқариб ташлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни куриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3350-сон қарорининг **1-илоvasи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарорига
1-ИЛОВА

2018 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни куриш ва реконструкция қилиш дастурининг

АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Худуднинг номланиши	2018 йил		2019 йил		2020 йил	
		уйлар сони*	квартиралар сони**	уйлар сони*	квартиралар сони**	уйлар сони*	квартиралар сони**
ЖАМИ:		335	13 917	355	14 757	355	4 256
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	10	450	10	450	244	244
2.	Андижон вилояти	14	588	14	588	268	268
3.	Бухоро вилояти	10	420	10	420	216	216
4.	Жиззах вилояти	15	645	15	645	236	236
5.	Қашқадарё вилояти	14	630	14	630	240	240

6.	Навоий вилояти	8	336	8	336	210	210
7.	Наманган вилояти	14	588	14	588	108	108
8.	Самарқанд вилояти	16	720	16	720	240	240
9.	Сирдарё вилояти	10	450	10	450	210	210
10.	Сурхондарё вилояти	10	420	10	420	492	492
11.	Тошкент вилояти	40	1 680	40	1 680	182	182
12.	Фарғона вилояти	14	600	14	600	328	328
13.	Хоразм вилояти	10	450	10	450	300	300
14.	Тошкент шаҳар	150	5 940	170	6 780	982	982

** Кўп квартирали арзон уйларнинг сони тегишли шаҳарлар (қурилаётган массивлар)нинг бош режаларини келишиши жараёнида аниқланади.*

*** Квартиралар сони уйларнинг қаватини белгилаш ва намунавий лойиҳаларни ҳудудга бириктириши натижаларига асосан аниқланади.*

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги «2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3863-сон қарорининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун арзон уйлар қуриш учун 20 йил муддатга:

2018-2019 йиллар дастурларини амалга ошириш доирасида 2 йиллик имтиёзли давр билан ҳамда дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 4 фоизли ставка бўйича ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг йиллик 3 фоиз миқдоридаги маржасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида;

2020 йилдан бошлаб дастурларни амалга ошириш доирасида — бир йиллик имтиёзли давр билан ҳамда дастлабки 5 йил мобайнида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 4 фоиздан тижорат банкларининг 3 фоиз миқдоридаги маржасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси даражасигача бир меъёрда ошиб борадиган фоиз ставкасида ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг йиллик 3 фоиз миқдоридаги маржаси ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида, кредит линияси маблағларини Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй-жойлар қуришга мақсадли йўналтирган ҳолда миллий валютада кредит линиялари очсин;

б) ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни молиялаштириш учун 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағлар йўналтирсин.»

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сон қарорининг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти иншоотлари ва тармоқлари ҳамда автомобиль йўллари қуриш учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан зарур маблағлар ажратсин;

б) иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича:

2018-2019 йиллар дастурларини амалга ошириш доирасида 2 йиллик имтиёзли давр билан ҳамда дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 4 фоизли ставка бўйича ва кейинги даврда

иштирок этувчи тижорат банкларининг маржаси йилига 3 фоиз миқдорида бўлишини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида;

2020 йилдан бошлаб дастурларни амалга ошириш доирасида — бир йиллик имтиёзли давр билан ҳамда дастлабки 5 йил мобайнида ҳар йили фоиз ставкаси катъий белгиланган 4 фоиздан тижорат банкларининг маржаси йилига 3 фоиз миқдорида бўлишини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси даражасигача бир меъёردа ошиб борадиган фоиз ставкаси миқдорида ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг маржаси йилига 3 фоиз миқдорида бўлишини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида қишлоқ жойларда яшовчи шахслар учун — 20 йил, фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун — 15 йил муддатларга миллий валютада кредит линияларини очсин, ушбу маблағлар арзон уй-жойлар қурилишига мақсадли йўналтирилсин.».

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4185-сон қарорининг 9-банди [биринчи хатбошисидан](#) ва [10-бандидан](#) «имтиёзли» сўзи чиқариб ташлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғрисидаги [низомда](#):

а) 11-банди «з» кичик бандида:

[иккинчи хатбошисидаги](#) «шаҳарларни» сўзи «республика ҳудудларида уй-жой қурилиш бозори ва шаҳарларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларга ипотека кредити бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилишини мувофиқлаштириш;»;

б) 12-банд 8-кичик бандининг [ўн учинчи хатбошидаги](#) «шаҳарларни» сўзи «республика ҳудудларида уй-жой қурилиш бозори, шаҳарларни» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4701-сон [қарорида](#):

а) 6-бандида:

[иккинчи хатбошисидаги](#) «2 — 4-бандларида» ва «2022 йил 1 январга» сўзлари тегишинча «3, 3¹ ва 4-бандларида» ва «2021 йил 11 мартга» сўзлари билан алмаштирилсин;

[тўртинчи хатбошисидаги](#) «2020 ва 2021 йил учун» сўзлари «2021 йил 11 мартга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг [иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари](#) чиқариб ташлансин;

в) 10-бандида:

[биринчи хатбошиси](#) «1 майдан» сўзларидан кейин «2021 йил» сўзлари билан тўлдирилсин;

[тўртинчи хатбошисидан](#) «1 ва 2 хонали, 3 ва ундан кўп хонали» сўзлари чиқариб ташлансин.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.03.2021 й., 06/21/6186/0200-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон; 06.08.2021 й., 06/21/6274/0766-сон, 23.11.2021 й., 06/21/24/1085-сон, 10.12.2021 й., 06/21/33/1147-сон)

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI**

**BOZOR TAMOYILLARIGA ASOSLANGAN IPOTEKA KREDITLARINI AJRATISH
ORQALI AHOLINI UY-JOY BILAN TA‘MINLASHGA OID QO‘SHIMCHA CHORA-
TADBIRLAR TO‘G‘RISIDA**

Ipoteka kreditlari orqali aholini uy-joy bilan ta‘minlash, uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj oilalarni ijtimoiy va moliyaviy qo‘llab-quvvatlash, xususiy pudrat tashkilotlarini uy-joy qurilishi sohasiga keng jalb etish bo‘yicha shart-sharoitlar yaratishga qaratilgan islohotlarning ko‘lamini kengaytirish maqsadida:

1. Belgilansinki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 28-noyabrdagi PF-5886-son **Farmoniga** asosan joriy etilgan bozor tamoyillariga asoslangan ipoteka kreditlari orqali aholini uy-joy bilan ta‘minlashning yangi tartibi (keyingi o‘rinlarda — yangi tartib) doirasida:

ko‘p kvartirali uy-joylar Qoraqalpog‘iston Respublikasi va barcha viloyatlarning qishloq joylarida (shaharlarga va tuman ma‘muriy markazlariga tutash hududlarda) quriladi;

Moliya vazirligi tijorat banklariga pul mablag‘larini hamda tijorat banklari aholiga ipoteka kreditlarini 6 oylik imtiyozli davr (mijozning xohishiga ko‘ra) bilan 20 yil (yigirmanchi yilni ham qo‘shgan holda) muddatga ajratadi;

Oldingi tahrirga qarang.

ipoteka kreditlari bo‘yicha dastlabki badal sotib olinadigan kvartira qiymatining 15 foizidan kam bo‘lmagan miqdorda belgilanadi. Bunda, mazkur Farmon qabul qilinguniga qadar subsidiya taqdim etish to‘g‘risidagi xabarnomalarni olgan shaxslarga ipoteka kreditlari va subsidiyalar 2020-yilda amalda bo‘lgan shartlar va miqdorlarda ajratiladi;

(1-bandning to‘rtinchi xatboshisi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrdagi PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

Oldingi tahrirga qarang.

ipoteka kreditining eng ko‘p miqdori va dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun subsidiya miqdori har yili Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi tomonidan Moliya vazirligi hamda Qurilish vazirligi bilan kelishgan holda uy-joyning hisoblangan qiymatidan kelib chiqib belgilanadi va har olti oyda qayta ko‘rib chiqiladi;

(1-bandning beshinchi xatboshisi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrdagi PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

Oldingi tahrirga qarang.

sotib olinadigan kvartira joylashuvi, qiymati va maydonidan qat‘iy nazar ipoteka krediti bo‘yicha dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun subsidiyalar — qat‘iy belgilangan 32 million so‘m miqdorda, foiz to‘lovlarining bir qismini qoplash uchun subsidiyalar kredit muddatining birinchi besh yili davomida 10 foizlik punktdan oshgan qismiga to‘lanadi;

(1-bandning oltinchi xatboshisi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrdagi PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

Oldingi tahrirga qarang.

ipoteka krediti bo‘yicha dastlabki badal va foiz to‘lovlarining bir qismini qoplash uchun subsidiyalar sotib olinayotgan kvartiraning narxi ipoteka kreditining eng ko‘p miqdoridan oshgan taqdirda ham to‘lanadi. Bunda, sotib olinadigan kvartiraning narxi ipoteka kreditining eng ko‘p miqdoridan oshgan taqdirda, qiymatning qolgan qismi qarz oluvchi tomonidan o‘z mablag‘lari va qonunchilikda belgilangan boshqa mablag‘lar hisobidan dastlabki badal summasini oshirish orqali to‘lanadi;

(1-bandning yettinchi xatboshisi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrdagi PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

qarz oluvchilarga ularning xohishiga ko‘ra ipoteka krediti bo‘yicha to‘lovlarni annuitet yoki differensial usulida amalga oshirish huquqi beriladi.

2. Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi hamda Moliya vazirligi tomonidan Qurilish vazirligi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari bilan birgalikda ishlab chiqilgan:

2021-yilda yangi tartib doirasida ipoteka kreditlari ajratishning maqsadli parametrlari **1-ilogava** muvofiq;

2021-yilda yangi tartib doirasida ipoteka kreditlari bo'yicha subsidiyalar ajratishning maqsadli parametrlari **2-ilogava** muvofiq;

2021-yil uchun uy-joylarning hisoblangan qiymati, bir qarz oluvchiga ajratiladigan ipoteka krediti va dastlabki badalning bir qismi uchun Davlat budjetidan ajratiladigan subsidiyalarning eng ko'p miqdori **3-ilogava** muvofiq tasdiqlansin.

Oldingi tahrirga qarang.

Oldingi tahrirga qarang.

Belgilansinki, 2022-yil 1-yanvarga qadar qurilishi yakunlanib, foydalanishga tayyor holda topshirilgan kvartiralarini sotib olish uchun ajratiladigan ipoteka kreditlari bo'yicha subsidiyalar sotib olinayotgan kvartiraning maydoni va narxi mazkur Farmonning **3-ilogasida** keltirilgan kvartira maydonining eng ko'p me'yori va uy-joyning hisoblangan qiymatidan oshgan taqdirda ham to'lanadi.

(2-bandning beshinchi xatboshisi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrda PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

Bunda, sotib olinadigan kvartiraning narxi uy-joyning hisoblangan qiymatidan oshib ketgan taqdirda, qiymatning qolgan qismi qarz oluvchi tomonidan o'z mablag'lari va qonun hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan to'lanadi.

(2-band O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 5-avgustda PF-6274-sonli Farmoniga asosan beshinchi va oltinchi xatboshilar bilan to'ldirilgan — Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.08.2021-y., 06/21/6274/0766-son)

3. Qurilish vazirligi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi hamda Moliya vazirligi bilan birgalikda 2021-yilda:

“Qishloq qurilish invest” IK” MChJ ishtirokida qishloq joylarda 8 336 ta kvartiradan iborat bo'lgan ko'p qavatli arzon uy-joylar qurilishini **4-ilogava** muvofiq;

Oldingi tahrirga qarang.

Osiyo taraqqiyot banki mablag'lari hisobiga “Qishloq qurilish invest” IK” MChJ ishtirokida qishloq joylarda qo'shimcha ko'p qavatli arzon uy-joylar qurilishini **4¹-ilogava** muvofiq;

(3-band O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 5-avgustda PF-6274-sonli Farmoniga asosan uchinchi xatboshi bilan to'ldirilgan — Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.08.2021-y., 06/21/6274/0766-son)

“O'zshahar qurilish invest” IK” MChJ ishtirokida fuqarolarning alohida toifalari uchun 3 550 ta kvartiradan iborat bo'lgan ko'p qavatli uy-joylar qurilishini ta'minlasin.

4. Belgilansinki:

mazkur Farmonning **4-ilogasida** ko'rsatilgan uy-joylar qurilishi — “Qishloq qurilish invest” IK” MChJ ishtirokida qishloq joylarda arzon uy-joylarni qurish dasturining 2020-yildagi talablariga muvofiq Osiyo taraqqiyot banki va Islom taraqqiyot banki mablag'lari hisobidan;

mazkur Farmonning 3-bandi **uchinchi xatboshisida** ko'rsatilgan uy-joylar qurilishi — “O'zshahar qurilish invest” IK” MChJ ishtirokida shaharlarda fuqarolarning alohida toifalari uchun ko'p kvartirali uy-joylarni qurish dasturi talablariga muvofiq Moliya vazirligi tomonidan ajratilgan mablag'lar hisobidan amalga oshiriladi.

5. Vazirlar Mahkamasi bir oy muddatda 2021-yilda “O'zshahar qurilish invest” IK” MChJ ishtirokida fuqarolarning alohida toifalari uchun ko'p kvartirali uy-joylar qurishning asosiy parametrlarini tasdiqlasin.

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 1-mayda PQ-4701-son **qaroriga** muvofiq Andijon, Namangan va Farg'ona viloyatlarida joriy etilgan jismoniy shaxslarga yakka tartibdagi uy-joylarni qurish va rekonstruksiya qilish uchun kreditlarni ajratish tartibi barcha hududlarda joriy etilsin.

Bunda:

kreditlar Qoraqalpog‘iston Respublikasi va har bir viloyatda 500 ta, jami 6 500 ta yakka tartibdagi uy-joyni qurish (rekonstruksiya qilish) uchun ajratiladi;

kreditlar ipoteka kreditining eng ko‘p miqdorlaridan oshmaydigan va dastlabki badali yakka tartibdagi uy-joyni qurish (rekonstruksiya qilish) ishlari qiymatining 15 foizidan kam bo‘lmagan miqdorda, 6 oylik imtiyozli davr bilan 20 yil (yigirmanchi yilni ham qo‘shgan holda) muddatga ajratiladi;

kreditlar qurilish materiallarini sotib olish va yakka tartibdagi uy-joyni qurish (rekonstruksiya qilish) ishlarini amalga oshirish bo‘yicha xarajatlarni qoplashga beriladi. Bunda, qurilish ishlari qonun hujjatlariga muvofiq qarz oluvchining o‘z kuchi bilan, xususiy pudrat tashkilotlarini yoki o‘zini o‘zi band qilgan shaxs sifatida ro‘yxatdan o‘tgan yollanma ishchilarni jalb etgan holda amalga oshirilishi mumkin;

kreditlar bo‘yicha ta‘minot sifatida jismoniy shaxslarga tegishli bo‘lgan yakka tartibdagi uy-joy garovi yoki boshqa ta‘minot turlari taqdim etiladi;

agar qarz oluvchi tomonidan kredit olish vaqtida boshqa ta‘minot turi taqdim etilgan bo‘lsa, yakka tartibdagi uy-joy qurilishi (rekonstruksiya qilinishi) yakunlanib kadastr hujjatlari rasmiylashtirilganidan so‘ng, kredit bo‘yicha ta‘minot ushbu uy-joyning ipotekasiga almashtiriladi;

daromadi yuqori bo‘lmagan va uy-joy sharoitini yaxshilashga muhtoj fuqarolarga yakka tartibdagi uy-joylarga ajratilgan ipoteka kreditlari bo‘yicha dastlabki besh yil mobaynida foiz stavkasining 10 foizlik punktdan oshgan qismini qoplash uchun Davlat budjetidan subsidiyalar ajratiladi;

subsidiyalar qurilgan (rekonstruksiya qilingan) yakka tartibdagi uy-joyning kadastr hujjatlari rasmiylashtirilgan oyning keyingi oyidan boshlab to‘lanadi.

7. 2021-yil 1-iyundan boshlab ipoteka krediti bo‘yicha dastlabki badal va foiz to‘lovlarining bir qismini qoplash uchun subsidiyalar to‘lashning soddalashtirilgan tartibi joriy qilinsin, unga muvofiq:

fuqarolar tomonidan subsidiya olish uchun arizalar yil davomida topshirilishi mumkin;

subsidiya olish uchun murojaat qilgan ariza beruvchining daromadlariga u bilan birga yashamayotgan yaqin qarindoshlarining daromadlari ham kiritilishi mumkin;

subsidiya olish uchun murojaat qilgan ariza beruvchidan “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali olish mumkin bo‘lgan hujjatlarni (ma’lumotlarni) talab qilish man etiladi;

uy-joy sotib olish uchun subsidiya taqdim etish to‘g‘risidagi xabarnoma ular berilgan vaqtdan boshlab 12 oy davomida amal qiladi.

8. Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi Moliya vazirligi bilan birgalikda 2021-yil 1-iyunga qadar:

subsidiya to‘lanadigan fuqarolarni tanlab olish hamda subsidiya taqdim etish to‘g‘risidagi xabarnomalarni berish jarayonlarining muddatini yetti kungacha qisqartirish va to‘liq avtomatlashtirish, mazkur ishlarni amalga oshirish uchun Davlat budjetidan mablag‘lar ajratish;

daromadi yuqori bo‘lmagan va uy-joy sharoitini yaxshilashga muhtoj fuqarolarning ipoteka kreditlari bo‘yicha dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun uy-joy hisoblangan qiymatining 10 foizigacha subsidiyalar to‘lashning tabaqalashtirilgan tartibini joriy etish yuzasidan takliflarni Vazirlar Mahkamasiga kiritish.

9. Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi, Qurilish vazirligi hamda Moliya vazirligining uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo‘lgan fuqarolar, shu jumladan xotin-qizlarni ijara huquqi asosida vaqtinchalik joylashtirish uchun uy-joylarni sotib olish to‘g‘risidagi taklifi ma’qullansin.

Belgilansinki:

Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari tomonidan Davlat budjeti parametrlarida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti topshiriqlariga asosan hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish uchun ko‘zda tutilgan mablag‘lar hisobidan 5-ilovaga muvofiq 1 000 ta kvartira sotib olinadi;

uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo'lgan fuqarolar, shu jumladan xotin-qizlar sotib olingan uy-joylarga davlat uy-joy fondidagi turar joylarni ijaraga berish tartibiga muvofiq joylashtiriladi;

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklariga mahalliy budjet daromadlarining oshirib bajarilgan qismi hamda qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan mazkur Farmonning 5-ilovasida tegishli hudud uchun belgilangan kvartiralar sonini oshirish huquqi beriladi.

10. 2021-yil 1-iyundan boshlab Toshkent shahrida tajriba tariqasida boshpanasiz, og'ir turmush sharoitiga tushib qolgan hamda "Ijtimoiy himoya yagona reyestri" axborot tizimida ro'yxatga olingan fuqarolarga ijara xarajatlarining bir qismini qoplash uchun mahalliy budjet mablag'laridan olti oy davomida oylik ijara to'lovining 50 foizi miqdorida, biroq bazaviy hisoblash miqdorining ikki yarim baravaridan oshmagan holda oylik pul kompensatsiyasini to'lash tartibi joriy qilinsin.

Moliya vazirligi Toshkent shahar hokimligi bilan birgalikda 2021-yil 31-dekabrqa qadar tajriba natijalaridan kelib chiqib ijara xarajatlarining bir qismini qoplash uchun pul kompensatsiyasini to'lash tartibini boshqa hududlarda tatbiq etish bo'yicha takliflarni Vazirlar Mahkamasiga kiritсин.

11. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining ijtimoiy hamkorlikni yanada kuchaytirish, kompensatsiya, subsidiyalar va davlat tomonidan taqdim etiladigan boshqa imtiyozlarni adolatli taqsimlash hamda ulardan samarali foydalanish maqsadida hududlarda senatorlar, deputatlar va jamoat faollari ishtirokida "Xalqparvar" komissiyalarini tashkil etish to'g'risidagi taklifi ma'qullansin.

"Xalqparvar" komissiyalariga mahalliy hokimliklar hamda mas'ul davlat idoralarning uy-joylar qurish uchun yer uchastkalarini ajratish, qurilish ishlarini o'z vaqtida va sifatli amalga oshirish, subsidiya to'lanadigan fuqarolarni tanlab olish, uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo'lgan fuqarolar ro'yxatini shakllantirish faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini o'rnatish hamda mazkur sohada byurokratiya, sansalorlik va boshqa ma'muriy to'siqlarning oldini olishga qaratilgan aniq choralarni amalga oshirish tavsiiya etilsin.

Uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish vaziri Sh. Xidoyatov, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Xavfsizlik kengashi kotibining birinchi o'rinbosari E. Aripov, axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vaziri Sh. Sadikov "Xalqparvar" komissiyalarini tashkil etish va ularning faoliyatini yo'lga qo'yishda xalq deputatlari Kengashlariga amaliy yordam ko'rsatsin.

12. Quyidagilar 2021-yil 1-mayga qadar:

a) Moliya vazirligi aholiga qulay shaklda quyidagi ma'lumotlarni taqdim etuvchi ipoteka bozori veb-portalini ishga tushirsin:

ipoteka kreditlarini berish va subsidiyalar to'lash tartibi;

uy-joylar qurilishini amalga oshiruvchi tadbirkorlik subyektlari, ular tomonidan qurilayotgan ko'p kvartirali uy-joylar, ulardagi kvartiralar soni, maydoni, qiymati va joylashuvi;

kredit olish mumkin bo'lgan tijorat banklari va ular tomonidan beriladigan kreditlarning shartlari;

b) Qurilish vazirligi uy-joylar qurilishini amalga oshiruvchi tadbirkorlik subyektlari va loyihaviy texnik ko'rsatkichlarni (uy-joylar qurish davlat maqsadli dasturlari, ko'p kvartirali uy-joylar qurilishi narxi, soni, joylashuvi va boshqalar) o'z ichiga olgan elektron ma'lumotlar bazasining ishga tushirilishini hamda ipoteka bozori veb-portali bilan integratsiyalashuvini ta'minlasin;

v) Markaziy bank qonun bilan himoyalangan ma'lumotlar maxfiyligini ta'minlagan holda, qarz oluvchilar, ipoteka kreditlarining soni, turi, hajmi, garovga qo'yilgan mulkning narxi, kreditlar qiymati, kredit qarzlarini to'lanmaganligi to'g'risidagi konsolidatsiyalashgan ma'lumotlarni Moliya vazirligiga ipoteka bozori veb-portalida joylashtirish uchun idoralararo elektron axborot almashinuvi orqali doimiy ravishda taqdim etib borsin.

13. Moliya vazirligiga:

"O'zbekiston ipotekani qayta moliyalashtirish kompaniyasi" AJ bilan qayta moliyalashtirish bitimini imzolagan tijorat banklariga keyinchalik Osiyo taraqqiyot banki tomonidan belgilangan

muvofiglik mezon va talablari asosida aholiga ipoteka kreditlarini berish uchun 2021-yilda 13 oy muddatga bozor (foiz) stavkasida mablag‘lar ajratish;

vaqtincha bo‘sh turgan manbalar hisobidan “O‘zbekiston ipotekani qayta moliyalashtirish kompaniyasi” AJga qisqa muddatga Markaziy bankning asosiy stavkasida mablag‘lar ajratish huquqi berilsin.

14. Uy-joylar narxini arzonlashtirish maqsadida 2021-yil 1-apreldan boshlab shunday tartib o‘rnatilsinki, unga muvofiq yangi tartib doirasida:

Oldingi tahrirga qarang.

a) ko‘p kvartirali uy-joylar qishloq joylarda 5 va undan yuqori qavatli, shaharlarda 7 va undan yuqori qavatli, monolit temir-beton va yirik panelli konstruksiyalar hamda boshqa qurilish materiallari asosida, shuningdek, shaharsozlik normalari va qoidalariga muvofiq ikkinchi darajadan past bo‘lmagan issiqlik himoyasi bilan ta‘minlangan holda massiv shaklida quriladi;

(14-bandning “a” kichik bandi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrda PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

b) tashqi muhandislik-transport kommunikatsiyalarini qurish va massivlarni qurish loyihalarini ishlab chiqish:

shaharlarda — ko‘p kvartirali uy-joylar qurish uchun yer uchastkalarini “E-IJRO AUKSION”da elektron auksion orqali sotishdan tushgan mablag‘lar, zarur hollarda mahalliy budjet yoki boshqa mablag‘lar hisobidan;

qishloq joylarda — O‘zbekiston Respublikasining respublika budjeti mablag‘lari hisobidan amalga oshiriladi;

v) ko‘p kvartirali uy-joylar qurilishi uchun tashqi muhandislik- kommunikatsiya tarmoqlariga ulashni hamda geologik jihatdan eng maqbul variantlarni hisobga olgan holda, hududlarning qurish loyihalariga muvofiq bo‘lgan yaxlit massiv shaklidagi yer uchastkalari tanlanadi;

Oldingi tahrirga qarang.

(14-bandning “g” kichik bandi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 8-iyundagi PF-6243-sonli Farmoniga asosan 2021-yil 1-avgustdan chiqariladi — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 09.06.2021-y., 06/21/6243/0540-son)

Oldingi tahrirga qarang.

(14-bandning “d” kichik bandi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 8-iyundagi PF-6243-sonli Farmoniga asosan 2021-yil 1-avgustdan chiqariladi — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 09.06.2021-y., 06/21/6243/0540-son)

Oldingi tahrirga qarang.

e) 2023-yil 1-yanvarga qadar:

“Yangi O‘zbekiston” massivlarida, shuningdek, oldingi yillarda barpo etilgan massivlarda va ularning bo‘sh turgan yer uchastkalarida uy-joy quruvchi tashkilotlar uchun sement hamda metall prokatini sotish bo‘yicha alohida birja savdo seksiyasi joriy qilinadi;

(14-bandning “e” kichik bandi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrda PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

Oldingi tahrirga qarang.

j) sement mahsulotini (TIF TN kodi 2523) O‘zbekiston Respublikasi hududiga olib kirishda bojxona bojining nol stavkasi qo‘llaniladi.

(14-bandning “j” kichik bandi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrda PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

15. Belgilansinki, yangi tartibga muvofiq ko‘p kvartirali uy-joylar qurilishida:

“SS” va undan yuqori reyting bahosiga ega bo‘lgan qurilish tashkilotlari qatnashish huquqiga ega;

tashqi muhandislik-transport kommunikatsiyalarini qurish hamda massivlarni qurish loyihalarini ishlab chiqish bo‘yicha buyurtmachi vazifasi Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari huzuridagi “Yagona buyurtmachi xizmati” injiniring kompaniyalari va tegishli foydalanuvchi tashkilotlar tomonidan amalga oshiriladi;

ichki muhandislik-transport kommunikatsiyalarini qurish — tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z mablag‘lari hisobidan amalga oshiriladi va mazkur xarajatlar uy-joyning narxiga kiritiladi;

qurilayotgan uy-joylarga tutash hududlarni obodonlashtirish ishlari — mahalliy budjet hamda qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan bajariladi;

Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari huzuridagi “Yagona buyurtmachi xizmati” injiniring kompaniyalari tomonidan qurilish tashkilotlari bilan tuzilgan shartnomalar asosida ko‘p kvartirali uy-joylar qurilishi bo‘yicha injiniring xizmatlari, shu jumladan texnik nazorat amalga oshiriladi.

16. Vazirlar Mahkamasi 2021-yil 1-aprelga qadar 2021-yilda ko‘p kvartirali uy-joylar quriladigan yer uchastkalarining manzilli ro‘yxatini tasdiqlasin.

17. Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari 2021-yil 1-aprelga qadar:

Oldingi tahrirga qarang.

(17-bandning ikkinchi xatboshisi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrda PF-33-sonli Farmoniga asosan chiqarilgan — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

Davlat soliq qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi bilan birgalikda shaharlarda ko‘p kvartirali uy-joylarni qurish uchun yer uchastkalarini “E-IJRO AUKSION” yagona elektron savdo maydonchasidagi elektron auksionga qo‘yilishini ta‘minlasin.

18. 2021-yil 15-martdan boshlab tijorat banklariga o‘z resurslari hisobidan ulushdori-jismoniy shaxslarga berilgan ipoteka kreditlarini Moliya vazirligi tomonidan tijorat banklariga ajratilgan mablag‘lar hisobidan qayta moliyalashtirishga ruxsat etilsin.

Bunda, ulushdori-jismoniy shaxslarning ipoteka kreditlari ulush kiritish asosida qurilgan ko‘p qavatli uy-joylardagi kvartiralar davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganidan so‘ng mazkur Farmonning 3-ilovasida belgilangan ipoteka kreditining eng ko‘p miqdoridan oshmagan miqdorda qayta moliyalashtiriladi.

Oldingi tahrirga qarang.

19. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 1-maydagi PQ-4701-son qarori bilan joriy etilgan xususiy pudrat tashkilotlarining tijorat banklaridan olingan kreditlari bo‘yicha Tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash davlat jamg‘armasi tomonidan kafillik va kompensatsiya to‘lash tartibi 2022-yil 31-dekabrga qadar uzaytirilsin.

(19-band O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrda PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

20. Qurilish vazirligi:

2021-yil 1-mayga qadar shaharsozlik normalari va qoidalariga muvofiq yakka tartibdagi uy-joylarning namunaviy loyihalarini ishlab chiqsin va o‘zining rasmiy veb-saytida joylashtirsin;

bir oy muddatda Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklari bilan birgalikda loyiha institutlarining hududlardagi filiallarini tashkil etish bo‘yicha amaliy chora-tadbirlarni ishlab chiqsin va ularni amalga oshirsin.

21. Vazirlar Mahkamasi:

a) bir hafta muddatda import o‘rnini bosuvchi, raqobatbardosh, sifatli va hududlarda mahalliyashtirilgan qurilish materiallaridan foydalanishni kengaytirish hamda ularning qiymati keskin o‘sishiga yo‘l qo‘ymaslik orqali uy-joylar narxini maqbullashtirish hamda quruvchi tashkilotlarga qulay shart-sharoitlarni yaratish bo‘yicha qo‘shimcha takliflarni;

b) 2021-yil 1-iyunga qadar:

fuqarolarga ularning davlat pensiyasini olish huquqi yuzaga kelishidan qat‘i nazar jamg‘arib boriladigan majburiy pensiya badallarini ipoteka kreditlari bo‘yicha dastlabki badal yoki asosiy qarzni qoplashga yo‘naltirish huquqini berish;

tadbirkorlik subyektlari hamda mahalliy hokimliklar o‘rtasida tuzilgan shartnomalar asosida ko‘p kvartirali uy-joylarni qurish amaliyotini joriy etish;

ijobiy xalqaro tajribani inobatga olgan holda “maqsadli ipoteka omonati” mexanizmini joriy qilish yuzasidan asoslangan takliflarni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasiga kiritсин.

22. Uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatish vazirligi bir oy muddatda ko‘p kvartirali uy-joylarga xizmat ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlar uchun qulay shart-sharoitlar yaratish hamda ularning faoliyatini rag‘batlantirish bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori loyihasini Vazirlar Mahkamasiga kiritсин.

23. Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi Qurilish vazirligi va “O‘zbekiston respublika tovar-xomashyo birjasi” AJ bilan birgalikda bir oy muddatda alohida birja savdo seksiyasida uy-joy quruvchi tashkilotlarga sement hamda metall prokatini sotish tartibini ishlab chiqsin.

24. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga 6-[ilovaga](#) muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

25. O‘zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi va O‘zbekiston Milliy axborot agentligi Moliya vazirligi, Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari mazkur Farmonning mazmun, mohiyati va natijalarini ommaviy axborot vositalari orqali muntazam yoritilishini ta‘minlasin.

26. Moliya vazirligi, Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi manfaatdor vazirlik va idoralar bilan birgalikda ikki oy muddatda qonun hujjatlariga mazkur Farmondan kelib chiqadigan o‘zgartirish va qo‘shimchalar to‘g‘risida Vazirlar Mahkamasiga takliflar kiritсин.

27. Mazkur Farmonning ijrosini tashkil etishga mas‘ul va shaxsiy javobgar etib O‘zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o‘rinbosarlari A.J. Ramatov va J.A. Qo‘chqorov, moliya vaziri T.A. Ishmetov va qurilish vaziri B.I. Zakirov, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi Raisi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimlari belgilansin.

Farmonning ijrosini har chorakda muhokama qilib borish, ijro uchun mas‘ul idoralar faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish O‘zbekiston Respublikasining Bosh vaziri A.N. Aripov zimmasiga yuklansin.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. MIRZIYOYEV

Toshkent sh.,
2021-yil 11-mart,
PF-6186-son

[Oldingi tahrirga qarang.](#)

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 11-martdagi PF-6186-son [Farmoniga](#)
1-ILOVA

2021-yilda yangi tartib doirasida ipoteka kreditlari ajratishning

MAQSADLI PARAMETRLARI*

T/r	Hududlar nomi	kvartiralar va yakka tartibdagi uy- joylarning umumiy soni	shundan:			Xarajatlarning hisoblangan qiymati	shu jumladan, quyidagilar hisobida	
			shaharlarda	qishloq joylarda	yakka tartibdagi uy-joylar		dastlabki badal	kelgusida aholiga kreditlar berish uchun tijorat banklari ajratiladi resurslar

Respublika bo'yicha jami		35 120	18 804	9 816	6 500	10 548,9	1 582,3	8 966,6
1.	Qoraqalpog'iston Respublikasi	1 280	400	380	500	349,7	52,4	297,2
2.	Andijon viloyati	3 200	1 200	1 500	500	893,5	134,0	759,5
3.	Buxoro viloyati	2 330	1 050	780	500	638,0	95,7	542,3
4.	Jizzax viloyati	1 180	300	380	500	315,7	47,4	268,4
5.	Qashqadaryo viloyati	2 400	1 200	700	500	699,1	104,9	594,2
6.	Navoiy viloyati	1 380	500	380	500	383,6	57,5	326,1
7.	Namangan viloyati	2 400	900	1 000	500	670,1	100,5	569,6
8.	Samarqand viloyati	3 100	1 644	956	500	912,0	136,8	775,2
9.	Surxondaryo viloyati	2 900	1 600	800	500	859,2	128,9	730,3
10.	Sirdaryo viloyati	970	210	260	500	256,0	38,4	217,6
11.	Toshkent viloyati	2 700	1 300	900	500	781,6	117,2	664,4
12.	Farg'ona viloyati	2 400	1 000	900	500	679,8	102,0	577,8
13.	Xorazm viloyati	1 880	500	880	500	505,1	75,8	429,4
14.	Toshkent shahri	7 000	7 000			2 605,5	390,8	2 214,6

** 2021-yilda yangi tartib doirasida ipoteka kreditlari ajratishning maqsadli parametrlariga zarur hollarda Vazirlar Mahkamasi tomonidan Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi hamda Moliya vazirligi takliflari asosida tegishli o'zgartirishlar kiritilishi mumkin.*

(1-ilova O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 5-avgustdagi PF-6274-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.08.2021-y., 06/21/6274/0766-son)

Oldingi tahrirga qarang.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 11-martdagi PF-6186-son Farmoniga
2-ILOVA

2021-yilda yangi tartib doirasida ipoteka kreditlari bo'yicha subsidiyalar ajratishning MAQSADLI PARAMETRLARI*

T/r	Hududlar nomi	Jami toʻlanadigan subsidiyalar		shu jumladan:						
				shaharlarda ipoteka kredit boʻyicha dastlabki badal va foiz toʻlovlarining bir qismini qoplash uchun toʻlanadigan subsidiyalar		shundan:		qishloq joylarda ipoteka kredit boʻyicha dastlabki badal va foiz toʻlovlarining bir qismini qoplash uchun toʻlanadigan subsidiyalar	shunda	
						dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun subsidiya summasi	foiz toʻlovlarining bir qismini qoplash uchun subsidiya summasi		dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun subsidiya summasi	foiz toʻlovlarining bir qismini qoplash uchun subsidiya summasi
		soni	summasi	soni	summasi	soni	summasi	soni	summasi	

	Respublika bo'yicha jami	33 726	1 389,8	18 068	895,4	634,8	260,5	11 758	430,0	285,7	
1.	Qoraqalpog'iston Respublikasi	1 020	36,8	320	16,6	10,9	5,7	400	15,2	9,7	
2.	Andijon viloyati	3 410	138,0	1 410	69,9	47,9	22,0	1 700	63,2	41,3	
3.	Buxoro viloyati	2 590	108,7	1 310	68,4	44,5	23,9	980	35,3	23,8	
4.	Jizzax viloyati	1 400	47,3	520	22,5	17,7	4,8	580	19,8	14,1	
5.	Qashqadaryo viloyati	2 210	90,5	1 210	58,4	41,1	17,4	700	27,1	17,0	
6.	Navoiy viloyati	1 280	45,7	420	21,4	14,3	7,2	560	19,3	13,6	
7.	Namangan viloyati	2 630	102,7	1 330	58,9	45,2	13,8	1 000	38,8	24,3	
8.	Samarqand viloyati	3 236	131,7	1 780	84,6	60,4	24,2	1 156	42,2	28,1	
9.	Surxondaryo viloyati	2 560	115,7	1 318	76,1	44,8	31,3	942	34,6	22,9	
10.	Sirdaryo viloyati	780	25,1	180	9,0	6,1	2,9	300	11,1	7,3	
11.	Toshkent viloyati	2 340	94,2	870	47,5	29,5	18,0	1 170	41,8	28,4	
12.	Farg'ona viloyati	2 790	106,4	1 300	59,1	44,1	15,0	1 190	42,3	28,9	
13.	Xorazm viloyati	1 980	72,0	600	27,9	20,4	7,5	1080	39,2	26,2	
14.	Toshkent shahri	5 500	275,1	5 500	275,1	208,1	67,0				

* 2021-yilda yangi tartib doirasida ipoteka kreditlari bo'yicha subsidiyalar to'lashning maqsadli parametrlariga zarur hollarda Vazirlar Mahkamasi tomonidan Moliya vazirligi hamda Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi takliflari asosida tegishli o'zgartirishlar kiritilishi mumkin.

(2-ilova O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 9-dekabrda PF-33-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 06/21/33/1147-son)

Oldingi tahririga qarang.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 11-martdagi PF-6186-son Farmoniga
3-ILOVA

2021-yil uchun uy-joylarning hisoblangan qiymati, bir qarz oluvchiga ajratiladigan ipoteka krediti va ipoteka krediti bo'yicha dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun Davlat budjetidan ajratiladigan subsidiyalarning eng ko'p miqdori*

ming
so'm

T/r	Hudud	Kvartira maydonining eng ko'p me'yor (kv. m)	Uy-joyning hisoblangan qiymati	Ipoteka kreditining eng ko'p miqdori		Dastlabki badalning eng kam miqdori		Dastlabki badal uchun subsidiyaning eng ko'p miqdori**	
				foiz	qiymati	foiz	qiymati	foiz	qiymati
1.	Qishloq joylarda	70	315 000	85%	267 750	15%	47 250	10%	31 500

2.	Shaharlarda	70	364 000	85%	309 400	15%	54 600	10%	36 400
3.	Toshkent shahrida	70	399 000	85%	339 150	15%	59 850	10%	39 900

* 2021-yil uchun uy-joylarning hisoblangan qiymati, bir qarz oluvchiga ajratiladigan ipoteka krediti va dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun ajratiladigan subsidiyalarning eng ko‘p miqdoriga, zarur hollarda Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi tomonidan Moliya vazirligi hamda Qurilish vazirligi bilan kelishgan holda tegishli o‘zgartirishlar kiritilishi mumkin.

** Sotib olinadigan uy-joyning shartnomadagi qiymati uy-joy hisoblangan qiymatidan kam bo‘lgan taqdirda, dastlabki badalning bir qismi uchun subsidiyalar shartnomada ko‘rsatilgan qiymatning 10 foizi miqdorida ajratiladi.

(3-ilova O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 5-avgustdagi PF-6274-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 06.08.2021-y., 06/21/6274/0766-son)

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 11-martdagi PF-6186-son Farmoniga
4-ILOVA

**2021-yilda “Qishloq qurilish invest” IK” MChJ ishtirokida qishloq joylarda ko‘p qavatli
arzon uy-joylar qurishning
ASOSIY PARAMETRLARI***

T/r	Hududlar nomi	Ko‘p kvartirali uy-joylardagi kvartiralarining umumiy soni			Xarajatlarning hisoblangan qiymati	shu jumladan quyidagilar h		
		Jami	shu jumladan:			dastlabki badal	xalqaro moliya institutlarining qarz mablag‘lari	s OTBni qarz mablag‘lari hisobidan
			OTB qarz mablag‘lari hisobidan	ITB qarz mablag‘lari hisobidan				
Respublika bo‘yicha jami		8 336	7 100	1 236	1 590,5	159,1	1 431,5	1 219,5
1.	Qoraqalpog‘iston Respublikasi	700	700		133,6	13,4	120,2	120,2
2.	Andijon viloyati	300		300	57,2	5,7	51,5	
3.	Buxoro viloyati	900	500	400	171,7	17,2	154,5	85,9
4.	Jizzax viloyati	120		120	22,9	2,3	20,6	
5.	Qashqadaryo viloyati	900	900		171,7	17,2	154,5	154,5
6.	Navoiy viloyati	160		160	30,5	3,1	27,5	
7.	Namangan viloyati	860	760	100	164,1	16,4	147,7	130,5
8.	Samarqand viloyati	900	900		171,7	17,2	154,5	154,5
9.	Surxondaryo viloyati	840	840		160,3	16,0	144,2	144,2
10.	Sirdaryo viloyati	156		156	29,8	3,0	26,8	
11.	Toshkent viloyati	800	800		152,6	15,3	137,4	137,4
12.	Farg‘ona viloyati	860	860		164,1	16,4	147,7	147,7
13.	Xorazm viloyati	840	840		160,3	16,0	144,2	144,2

* 2021-yilda “Qishloq qurilish invest” IK” MChJ ishtirokida qishloq joylarda ko‘p kvartirali arzon uy-joylar qurishning asosiy parametrlariga zarur hollarda Vazirlar Mahkamasi tomonidan Moliya vazirligi hamda Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi takliflari asosida tegishli o‘zgartirishlar kiritilishi mumkin.

Oldingi tahrirga qarang.

**Osiyo taraqqiyot banki mablag'lari hisobiga "Qishloq qurilish invest" IK" MChJ ishtirokida
qishloq joylarda qo'shimcha ko'p qavatli arzon uy-joylar qurishning**

MAQSADLI PARAMETRLARI*

mlrd so'm

T/r	Hududlar nomi	Kvartiralar soni	Xarajatlarning hisoblangan qiymati	shu jumladan, quyidagilar hisobidan:	
				Dastlabki badal	Osiyo taraqqiyot bankining qarz mablagʻlari
Jami:		2 900	580,2	58,1	522,1
1.	Buxoro viloyati	280	50,4	5,0	45,4
2.	Qashqadaryo viloyati	540	97,2	9,7	87,5
3.	Namangan viloyati	640	140,8	14,1	126,7
4.	Samarqand viloyati	300	54,0	5,4	48,6
5.	Surxondaryo viloyati	300	54,0	5,4	48,6
6.	Toshkent viloyati	840	183,8	18,5	165,3

** Qishloq joylarda qo'shimcha ko'p qavatli arzon uy-joylar qurishning maqsadli parametrlariga zarur hollarda Vazirlar Mahkamasi tomonidan Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi hamda Moliya vazirligi takliflari asosida tegishli o'zgartirishlar kiritilishi mumkin.*

(4¹-ilova O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 5-avgustdagi PF-6274-sonli Farmoniga asosan kiritilgan — Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.08.2021-y., 06/21/6274/0766-son)

Oldingi tahrirga qarang.

2021-yilda uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo'lgan fuqarolar, shu jumladan xotin-qizlarni ijara huquqi asosida vaqtinchalik joylashtirish uchun uy-joylarni sotib olish

PARAMETRLARI*

T/r	Hududlar nomi	Sotib olinadigan kvartiralarining umumiy soni
Respublika bo'yicha jami		1 000
1.	Qoraqalpog'iston Respublikasi	66
2.	Andijon viloyati	54
3.	Buxoro viloyati	45
4.	Jizzax viloyati	83
5.	Qashqadaryo viloyati	81
6.	Navoiy viloyati	82
7.	Namangan viloyati	50
8.	Samarqand viloyati	87
9.	Surxondaryo viloyati	81
10.	Sirdaryo viloyati	57
11.	Toshkent viloyati	95
12.	Farg'ona viloyati	84
13.	Xorazm viloyati	40
14.	Toshkent shahri	95

* 2021-yilda uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo'lgan fuqarolar, shu jumladan xotin-qizlarni ijara huquqi asosida vaqtinchalik joylashtirish uchun uy-joylarni sotib olish parametrlariga, zarur hollarda Moliya vazirligi hamda Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi takliflari asosida Vazirlar Mahkamasi tomonidan tegishli o'zgartirishlar kiritilishi mumkin.

(5-ilova O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 23-noyabrdagi PF-24-sonli Farmoni tahririda — Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 23.11.2021-y., 06/21/24/1085-son)

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 11-martdagi PF-6186-son Farmoniga
6-ILOVA

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 2-avgustdagi "Sud tizimi xodimlarini ijtimoiy muhofaza qilishni tubdan yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-4459-son Farmonining **2-bandidan** "imtiyozli shartlar asosida" so'zlari chiqarib tashlansin.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 12-apreldagi PF-5414-son Farmoni bilan tasdiqlangan Davlat bojxona xizmati organlari faoliyatini takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar dasturining rus tilidagi **matni** 43-pozitsiyasidan "lgotnix" so'zi chiqarib tashlansin.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-iyuldagi "Sud-huquq tizimini yanada takomillashtirish va sud hokimiyati organlariga ishonchni oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5482-son Farmonining 9-bandi **"b" kichik bandidan** "imtiyozli" so'zi chiqarib tashlansin.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 13-maydagi "Ipoteka krediti bozorini rivojlantirish va kengaytirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5715-son Farmonida:

a) **12-bandda:**

birinchi xatboshisidagi "Arzon uy-joylar qurish davlat maqsadli dasturlarini muvofiqlashtirish va moliya bozori vositalarini rivojlantirish boshqarmasi" so'zlari "Ipoteka krediti bozorini moliyalashtirish va rivojlantirish departamenti" so'zlari bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshisidagi "Boshqarmaning" so'zi "Departamentning" so'zlari bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshisi "hamkorlikda" so'zidan keyin "ipoteka" so'zi bilan to'ldirilsin;

b) **1-ilovaning** 13-pozitsiyasi "Tadbir nomi" ustunidagi "Arzon uy-joylar qurish davlat maqsadli dasturlarini muvofiqlashtirish va moliya bozori vositalarini rivojlantirish boshqarmasi" so'zlari "Ipoteka krediti bozorini moliyalashtirish va rivojlantirish departamenti" so'zlari bilan almashtirilsin.

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 28-noyabrdagi "Ipoteka krediti mexanizmlarini takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5886-son Farmonida:

a) **1-bandda:**

ikkinchi xatboshisidagi "15 yil" so'zlari "20 yil" so'zlari bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshisidagi "kam ta'minlangan" so'zlari "daromadi yuqori bo'lmagan" so'zlari bilan almashtirilsin;

b) 2-bandning **ikkinchi xatboshi** quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"qishloq joylarda — Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlar shaharlariga va tuman ma'muriy markazlariga tutash hududlarda;"

v) **4-bandi** quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Belgilab qo'yilsinki, yangi tartib doirasida O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan tijorat banklariga ajratilgan mablag'lar hisobidan ipoteka kreditlari birlamchi uy-joy bozorida sotiladigan kvartiralarini (shu jumladan, yangi tartib doirasidan tashqari qurilgan va birlamchi uy-joy bozorida sotiladigan kvartiralarini) sotib olish uchun shaharlarda va qishloq joylarda uy-joy hisoblangan qiymatining 85 foizidan oshmaydigan miqdorda 20 yil muddatga va dastlabki badali sotib olinadigan kvartira qiymatining 15 foizidan kam bo'lmagan miqdorda beriladi.

Bunda:

